



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 213 (13.026)

Баҳоси эркин нарҳда

Халқаро кўргазма



Сарвар ЎРМОҲОВ (ЎЗА) олган сурат

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

КИЧИК БИЗНЕС УСКУНАЛАРИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан "Кичик бизнес маҳсулотлари ва ускуналари" халқаро кўргазмаси ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган савдо-саноат палатаси томонидан "Кичик бизнес маҳсулотлари ва ускуналари" халқаро кўргазмаси ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган савдо-саноат палатаси томонидан "Кичик бизнес маҳсулотлари ва ускуналари" халқаро кўргазмаси ташкил этилди.

Ташкил қилинаётган халқаро кўргазмалар кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорлигини янада кенгайтиришида муҳим омил бўлмоқда.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Кичик бизнес маҳсулотлари ва ускуналари" халқаро кўргазмасида

да қурилиш материаллари, автомобилсозлик, кимё, озиқ-овқат, текстиль тармоқлари, тиббиёт, муқобил энергия манбалари, логистика ҳамда консалтинг хизматлари билан шуғулланувчи етмишдан зиёд маҳаллий ва хорижий корхона ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этди.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари тендлари кўргазмага келганларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, юртимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари, миллий ҳунармандлик намуналари юқори баҳоланди.

Кўргазмада Хитой Халқ Республикасининг кичик бизнес учун мўлжалланган ускуналар ишлаб чиқариш бўйича кўп йиллик тажрибага эга қирққа яқин компаниясининг маҳсулот ва хизматлари ҳам тадбиркорлар эътиборини жалб этди.

Хусусан, "C-HORE" корпорацияси нафақат Хитойда, балки бошқа кўплаб давлатларда цемент завод-

ларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, таъмирлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник хизмат кўрсатишда катта тажрибага эга. Бундан ташқари, кўргазмада "Чжун-тэ Лтд" компаниясининг қурилиш санарати учун юқори технологияларга асосланган маҳсулот ва хизматлари, "Хуаньдэ" компаниясининг қуёш энергияси асосида ишлайдиган қурилма ва ишланмалари намойиш этилди.

Икки давлат тадбиркорлари ўртасида ишбилармонлик муносабатлари изчил ривожланмоқда, дейди ЎЗА мухбирига Хитойнинг "Ju Xin Zhong Li Mechanical & Equipment Co.Ltd" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари ўринбосари Жанна Шайназарова. Бундан ташқари таътилга келган тадбиркорлар томонидан қизиқиш тобора ортаётганида ҳам қўриш мумкин.

Халқаро кўргазма доирасида давра суҳбатлари, тақдиротлар, маҳорат сабоқлари ва амалий музокаралар ташкил этилди.

Б.БОЗОРОВ

ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида Франция Миллий ассамблеяси депутати, Миллий ассамблеядаги "Франция - Ўзбекистон" парламентараро дўстлик гуруҳи раиси Филипп Менье раҳбарлигидаги делегация билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов Ўзбекистон ва Франция ҳамкорлиги сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Франция парламенти вакиллари, "Франция - Ўзбекистон" парламентараро дўстлик гуруҳи аъзолари юртимизда ўтказиладиган халқаро анжуманларда мунтазам иштирок этмоқда.

Франция парламенти делегацияси аъзолари Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва босқучма-босқуч амалга оширилаётган тараққиётнинг "Ўзбек модели" барқарор ривожланишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсатини, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган савдо-саноат соҳасидаги юқори баҳолади.

Савдо соҳасида Ўзбекистон билан Франция ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Давомидаликнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этиш, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва химоя қилиш, иқтисодиёт, фан-техника, маданият ва ҳаво транспорти соҳаларига оид битимлар ўзаро алоқалар ривожига хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз макроиқтисодиёт, молия, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш учун кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Юртимиз олимлари Франциядаги мухтаassisлар билан биргаликда қуёш энергиясини ўрганиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, селекция каби соҳаларда тадқиқотлар олиб бормоқда.

Франция Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни мустақамлаш ва янада кенгайтиришга катта эътибор қаратмоқда, - деди ЎЗА мухбирига Филипп Менье. - Ўзбекистон ва Франция ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш бора-бора улкан салоҳиятга эга. Алоқаларимизни янада рағбатлантириш, ўзаро манфаатли янги қўша дастурларни амалга ошириш ниятидамыз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлган учрашувда Ўзбекистон ва Франция парламенти ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, қонун ижодкорлиги бўйича тажриба алмашишга доир масалалар муҳокама этилди.

Франция делегацияси аъзолари Олий Мажлис палаталари фаолияти, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар билан таништирилди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Нодира МАНЗУРОВА

ЎЗБЕКИСТОН ТАДБИРКОРЛАРИ ЖАҲОН БОЗОРЛАРИНИ ЭГАЛЛАМОҚДА

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида мамлакатимиздаги 520 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти умумий қиймати 980 миллион АҚШ долларидан зиёд товар ва хизматларни экспорт қилди. Кўплаб тадбиркорларимиз МДХ давлатлари, Буюк Британия, Германия, Хитой, Жанубий Корея, Япония ва бошқа мамлакатлар компаниялари билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйди.

стендларини харид қилиш, хорижий мамлакатларда яшаш ва ички транспорт хизматидан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлари қопланмоқда.

Шу билан бирга, чет эллик истикболли ҳамкорларнинг мамлакатимизга ташириги ташкил этилиб, тадбиркорларимиз билан учрашувлари ўтказилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг февраль ва апрель ойларида Латвия, Литва, Қозоғистон, Россия ишбилармон доиралари вакиллари Фарғона ҳамда Самарқанд вилоятларига ташириб буюрди. Музокаралар натижасида Ўзбекистондан мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари етказиб бериш бўйича умумий қиймати 303,9 миллион долларлик шартномалар имзоланди.

Бу борадаги ишлар шу йилнинг август ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни ривожлантириш" мавзусидаги халқаро конференция доирасида давом этди. МДХ ва Европа компаниялари вакиллари мева ва сабзавот етиштириш, уларни қайта ишлаш, сақлаш бўйича мамлакатимиз салоҳияти билан таништирилди, тақдирот маросимлари ва учрашувлар ўтказилди.

Тадбиркорларнинг билимини ошириш масаласига ҳам жамғарма томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказиб келинаётган ўқув-семинарлари, давра суҳбатларида экспорт фаолиятининг ҳуқуқий ва амалий асослари, маҳсулотни сотиш мумкин бўлган хорижий

бозорлар, ҳамкорлар топишнинг қоида ва тартиблари, ишбилармонлик ҳужжатларини тузиш ҳақида маълумотлар тақдим қилинмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида жамғарма ходимлари мамлакатимиздаги 2300 га яқин корхона вакиллари билан учрашувлар ўтказди.

Июнь ойида жамғарма Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда янги турдаги инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида инновацион лойиҳалар танловини эълон қилди. Танлов озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик, машинасозлик ва электротехника соҳалари, шуниқдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида ўтказилмоқда. Ушбу танловда тадбиркор ва фермерлар, илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари ходимлари, олим ҳамда тадқиқотчилар иштирок этмоқда. Энг яхши лойиҳалар молиявий томондан қўллаб-қувватланади.

Мухтасар айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти мамлакатимиз хусусий сектори томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва экспортга йўналтириш, уларнинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлашга қаратилган бўлиб, бизнес ҳамжамиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми ўз самарасини бераётганидан далolatдир.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

- Қарши шаҳрида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми" лойиҳаси доирасида "Мамлакатимизда янада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш — иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашнинг муҳим омили" мавзусида амалий мулоқот ўтказилди.
- Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида "Тил — маънавият кўзгуси" мавзусида анжуман ташкил этилди.
- Жиззахда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан хиндистонлик ишбилармон ҳамда тадбиркорларнинг савдо кўргазмаси иш бошлади.
- Наманган вилоятида қишки мавсумга тайёргарлик доирасида "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан истеъмолчиларга иссиқлик қуввати етказиш тармоқларининг 2 километрдан ортиқ қисми мукамал, 24 қозонхонанинг 20 таси жорий таъмирдан чиқарилди. "Дўстлик-1" қозонхонасида 400 миллион сўмликдан зиёд таъмирлаш ишлари бажарилди.
- Шофиркон туманидаги 17-умумтаълим мактабида замонавий спорт зали фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 586 миллион сўм маблағи эвазига "Моҳитобон" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилган спорт зали замонавий тарзда жиҳозланди. Бу ерда ҳар кун икки юздан зиёд ёшнинг баскетбол, волейбол, кўл тўпи, бадий гимнастика, мини-футбол, стол тенниси, кураш ва бошқа спорт турлари билан шуғулланиши учун имконият мавжуд.
- Навоий шаҳридаги "Heating Radiators" масъулияти чекланган жамиятида уй ҳамда ташкилотлар учун алюминий иситиш радиаторлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Пировардида бу ерда уч турдаги янги маҳсулот тайёрлаш имконияти пайдо бўлди, қўшимча 10 га яқин иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

- Кеча Хитой Халқ Республикаси давлати раҳбари савдо ва инвестициявий алоқаларни ривожлантириш мақсадида Буюк Британияга ташириб буюрди. Маълумотларга кўра, тез орада ҳар иккала давлат ўртасида бу борада 40 миллиард евролик шартномалар имзоланади.
- Кеча Москвада 97 киши террорчилик билан шуғулланувчи ташкилотларга аъзоликда гумон билан қўлга олинди.
- Судан ОПЕК ташкилотига аъзо бўлиш учун ариза берди.
- Шимолий Кипрга Ўрта Ер денгизи тубидан ўтказилган қувур ўтказгич орқали Туркиядан сув етказиб берилди бошланди. Унинг қурилишига тўрт йил давомида 500 миллион евро миқдорида маблағ сарфланди ва эндиликда 100 километрдан ортиқ бўлган ушбу қувур орқали Шимолий Кипрга ҳар йили 75 миллиард куб метрдан ортиқ ичимлик суви келади.

ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

**Шаҳримизда "Банк тизимида
хорижий инвестициялар учун
яратилган муҳит" мавзусида
матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Сир эмаски, мамлакатимиз табиий ресурсларга бой, катта ақлий салоҳият ва етарли ишчи кучига эга ўлка ҳисобланади. Бу эса хорижий инвесторларнинг юртимизга бўлган қизиқишини ошироққа.

Тадбирда сўзга чиққанлар жалб этилаётган ва ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳажмини оширишда инвестициявий муҳитни шакллантириш шартлари ва омилларига етарлича эътибор берилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қўлай инвестиция муҳити шакллантирилди. Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди. Бунинг натижасида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида кўплаб корхоналар ташкил этилди ва улар муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Утган 2014 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг 21,2 фоиздан ортиги ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан тўғри хорижий инвестициялардир.

Тўғридан тўғри жалб этилган хорижий капитал қўйилмалар, техника ва технологиялар ҳамда бошқа активлар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб улуш қўшмоқда ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига қўмаклашмоқда. Чет эл капитали иштирокида ташкил этилган, ҳомашёни чуқур қайта ишловчи корхоналар нафақат муайян ҳўжалик субъектларининг, балки бошқа соҳаларнинг тараққиётига таъсир ўтказиб, макроиқтисодий ўсишга замин яратмоқда.

Утган олти ой мобайнида мамлакатимизда ўзлаштирилган инвестицияларни умумий ҳажмининг 21,3 фоизи ёки 1,5 миллиард долларини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил этди. Уларнинг 1,2 миллиарди тўғридан тўғри жалб этилган хорижий инвестициялардир. Жорий йил бошидан буён инвестиция дастури доираси умумий қиймати 160,9 миллион долларлик 63 та лойиҳа амалга оширилди. Кичик бизнесни ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг 86,4 миллион долларга тенг кредит линиялари ўзлаштирилди. Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳузуридаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш ҳамжармаси кўмағида кичик бизнес субъектларининг 16,7 миллиард сўмлик 24 та лойиҳаси молиялаштирилди.

Анжуманда Ўзбекистоннинг инвестициявий ҳолатидорлигини ошириш, унинг таркибий қисми бўлган банк тизимида инвестиция муҳитини янада яхшилаш масалаларига изчил эътибор қаратилаётганлиги айтиб ўтилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Абдували СОДИКОВ



**Пойтахтимиздаги
"Ўзэкспомарказ"да
"Марказий Осиё
саноат ҳафталиги –
Central Asian
Industrial Week –
2015" халқаро
лойиҳаси
доирасида етти
иқтисослаштирилган
кўргазма бўлиб
ўтмоқда.**

Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА)
олган сурат

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИГИЛИШИ

**Кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий-маданий
ривожланиш масалалари ҳамда Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро
этиш, иқтисодий ислохотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш
масалалари бўйича доимий комиссияларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган янги тахрирдаги "Ветеринария тўғрисида"ги ҳамда "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг Тошкент шаҳрида ижро этилиши ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси фаолиятига доир масалалар қўриб чиқилди.

Йиғилишда янги тахрирдаги "Ветеринария тўғрисида"ги Қонун лойиҳасида ҳайвонот оламига мансуб озик-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашдаги давлат ветеринария назоратининг аҳамияти ва таъминоти ҳамда унинг ўрни ва жавобгарлиги ўз асосини топанлиги қайд этилди.

Шунингдек, Қонун лойиҳасида ҳайвон эгаларининг мажбуриятлари ҳамда эпизоотик тадбирларни амалга оширишда давлат, идоравий ва ҳусусий ветери-

нария хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ҳайвонларга хизмат кўрсатишни амалга оширишни белгиланган меъёрлар ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг муносабатлари тартибга солинган.

Бундан ташқари Қонуннинг янги тахририга қатор давлатлар томонидан қўлланб келинаётган ветеринария соҳасига оид асосий тушунчалар киритилганлиги таъкидланди.

Йиғилишда янги тахрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Маълумки, давлатимиз томонидан мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислох қилиш эвазига турли хил касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволаш ишларининг амалга оширилишига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш эса мазкур ислохотларнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Йиғилишда янги тахрирдаги "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси бугунги кунда дори воситалари ва фармацевтика фаолиятини мувофиқлашти-

ришда муҳим ўрин тутуши қайд этилди. Янги Қонун лойиҳаси дори воситалари ва фармацевтика фаолияти соҳасида қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш, дори воситалари ва тиббий буюмларни қўллашда фуқаролар соғлигини сақлашни устувор йўналиш сифатида белгиланган вазифасини ўтайди. Шунингдек, дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган техник талабларни тартибга солишни халқаро амалиёт билан уйғунлаштириш, мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи хорижий давлатлар тажрибасини, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларини инобатга олган ҳолда амалдаги норматив базани такомиллаштиришга хизмат қилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги "Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг Тошкент шаҳрида ижро этилиши қўриб чиқилди, Тошкент шаҳридаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича жойларга чиқиб, далолатномалар, иҳара муҳофазалар қабул қилинди.

шартномалари ва муҳофазалар мажбуриятларини тузиш ишларини янада фаоллаштириш, ноёб тарихий-меъморий мажмуаларда тиклаш-таъмирлаш, ободонлаштириш ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантиришга оид тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси фаолиятига доир масала қўрилиб, пенсия ва нафақа тўловларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида, Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан молиялаштириш ишларининг ўз вақтида амалга оширилиши, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиали тақдим этаётган, ҳар ойлик пенсия ва нафақалар тўлови учун зарур бўлган талабномани тижорат банклар томонидан ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш, пенсия ва нафақа тўловларини замонавий тўлов тизими – банк пластик карталари орқали тўлашнинг қулайликлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиниши лозимлиги таъкидланди.

Қўшма йиғилиш якунига қўра қўрилган барча масалалар бўйича доимий комиссияларнинг ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ**

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИДА ИЖТИМОЙ МУҲОFAЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2016 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил, 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги тахрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил, 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил, 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолининг бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил, 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 34-сон, 333-модда, 2010 йил, 13-сон, 96-модда, 2011 йил, 1-2-сон, 4-модда, 2012 йил, 44-сон, 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2016 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйладиغان талабларни белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2015 йил 7 октябрдаги баёнини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шайхонтоҳур туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 284 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 3140 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

• ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор қўн болали ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгача иш жадалга эга бўлган иш ўринлари;

• таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

• муаддлати ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

• ногиронлар учун – меҳнат шaroитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўқсизликсиз бажариш имконини (соғлигининг аҳоли ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид қўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

• бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

• одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари, 2. Шайхонтоҳур туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2016 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

• ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2015 йил якунидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2016 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ахратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйладиغان касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

• иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шaroитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жазима солинад.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйладиغان иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисmini туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка қўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Д.Рашидов) ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Шайхонтоҳур туман ҳокимининг 2014 йил 25 сентябрдаги "Шайхонтоҳур туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида"ги 430-сон қарори 2015 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор 2016 йил 1 январдан қўра қиради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Ш.Содиқов зиммасига юклатилсин.

Шайхонтоҳур туман ҳокими
М.Мирқосимов

2015 йил 13 октябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали таништиш мумкин.

УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Фуқаро сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларимиз ҳақида гапирганда табиийки, аввало Ўзбекистон Конституциясига мурожаат қиламиз. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 27-моддасида белгиланишича, ҳар ким турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга, ҳеч ким қонунда назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан кечириши мумкин эмас. Шу билан бирга, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар, етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт, деган конституциявий мажбуриятимиз Бош Қонуннинг 54-моддасида келтириб ўтилганлигини айтиш керак.

Бу борада Уй-жой кодекси муҳим юридик ҳужжат ҳисобланади. Унга мувофиқ, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи, унинг вужудга келиши, бошқага ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Уйнинг, квартиранинг олди-сотди ва айирбошлаш шартномаси ёзма шаклда, тарафлар имзолайдиган битта ҳужжатни тайёрлаш йўли билан тузилади ҳамда нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Бундан ташқари, мазкур Кодексда турар жойни нотурар жойга ўтказиш, қўн квартиралар уйларида яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби, уй-жой мулкдорининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Жумладан, мулкдор ҳусусий уй-жой фондини бошқаришда иштирок этиш, уйнинг техник ҳолати бўйича давлат ҳокимияти органларига мурожаат қилиш, уйга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш усулини танлаш ҳуқуқига эга.

Баъзида қўн квартиралар уйдаги хонадон мулкдорининг ўзига қарашли жойни қайта қуриши ёки ўзгартиришига дуч келиб туради. Бунда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тегишли рўхсатнома олиниши Кодексда белгиланган бўлиши. Акс ҳолда, бу ўзбошимчалик деб баҳоланади ва мулкдор белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Мулкдор зиммасидан турар жойни ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши мажбурияти соқит этилмайди.

Таъкидлаш кераки, қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-

лар, квартиралар, уйнинг бир қисми, квартиранинг бир қисмига бўлган ҳусусий мулк миқдор, ўлчам ва қиймат жиҳатдан чекланмайди. Ҳусусий мулк бўлган уйлар, квартираларнинг олиб қўйилишига қонунда белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Хусусан, 2012 йилда қабул қилинган "Ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига қўра, давлат органининг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори муносабати билан мулк ҳуқуқининг бекор қилиниши мулкдор билан келишувга қўра тегишли туман, шаҳар, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилиши мумкин. Бунда уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дархатларни қўриб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунча қадар йўл қўйилмайди. Мулкдор ҳуқуқларининг муҳим кафолатларидан бири шундаки, ҳусусий мулк муносабатларини тартибга солиш учун ҳужжати мулкдорнинг ҳуқуқий ҳолатини ёмонлаштирган ёки мулкдорга қўшимча мажбуриятлар юклаган тақдирда, орқага қайтиш кучига эга бўлмайди.

Шу билан бирга, уй-жойни жамоавий асосда бошқаришда "Ҳусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида" Қонун алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур Қонуннинг асосий мақсади фуқароларга ўзини

ўзи бошқариш асосида уй-жой фондини биргаликда сақлаш, асраш, таъмирлаш ва фойдаланишининг ҳуқуқий асосларини яратиб беришдан иборат. Ширкат турар жой мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этиладиган нотижорат ташкилот бўлиб, ихтиёрийлик, ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик, очиклик ва ошкоралик каби таъминотлар асосида фаолият юритади. Бунда ширкат ва уй-жой мулкдорлари ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Барча муҳим масалалар ширкатнинг олий органи бўлган умумий йиғилишда қўриб чиқилади. Жумладан, умумий мол-мулкни сақлаш усулини белгилаш, ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда ширкат аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдорларини белгилаш шулар жумласидан. Ширкат бошқаруви эса унинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширувчи орган ҳисобланади ҳамда ширкатнинг мол-мулкни бошқариш ва таъмирлаш учун юридик ҳамда жисмоний шахслар билан таллов асосида шартномалар тузади.

Уй-жой мулкдорлари олдида мунтазам ҳисобот бериш мазкур Қонуннинг муҳим тамойили ҳисобланади. Унинг 25-моддасига қўра, ширкат бошқаруви умумий мол-мулкни сақлаш ишлари бўйича режаларнинг бажарилиши, амалга оширилган ҳамда режалаштирилаётган харажатлар, мажбурий бадаллар ва тўловларнинг йиғилиши, тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар ҳақида ширкат аъзолари олдида мунтазам равишда, уч ойда камида бир марта ҳисобот бериши лозим. Ҳисоботни тақдим этиш шакли ширкатнинг барча аъзолари учун ҳисоботдан фойдаланиш эркинлигини таъминлаш керак ва у ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, Бош Қонуни-миздаги уй-жой соҳасига тегишли фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларида батафсил белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш ва мажбуриятларни бажариш фуқароларнинг маданиятига боғлиқ.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ходими

21 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинган кун

ОНА ТИЛИ –
МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Она тили – миллат кўзгуси” деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тилшунос олимлар, адабиётшунослар, санъаткорлар, маънавий тарғиботчилари, талаба-ёшлар, китобхонлар иштирок этди.

Тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одати ва аъёналарини ўзида мужассам этган буюк хазинадир. Ўз она тилига эга бўлиш ва унинг ривожланиши миллатнинг маънавий ўзлигини ифодалайди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маънавият ва маданият, таълим ва тарбия соҳаларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида она тилимизни улуғлаш, ёш авлодни ватанпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, меҳроқибат каби умминсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда унинг салоҳиятини унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилини илмий асосда ривожлантиришга оид тадқиқотлар қўламли, унинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган адабиётлар, лугатлар яратилди.

– Нуфузли халқаро анжуманларда ўзбекча сўзлар янграши, ўз тилимизда сўзлашимиз қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди, – дейди ЎЗА муҳбирига Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиков. – Чет элда ўзбек тилини ўрганувчилар, унга қизиқувчилар сафи кенгаётганидан қувонамиз. Она тилимиздаги иборалар орқали ёшларга пухта таълим бериш, уларни миллий аъёна ва қадриятларимизга, она тилимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, қалби ва онгида юрт тақдири учун дахлдорлик туйғулари мустаҳкам қарор топтириш имконияти жуда кенг. Бу она тилимизнинг нақадар жозибдор ва сўзлари чуқур маънога эга эканини кўрсатади.

Тадбир доирасида “Алишер Навоий” бадиий фильми ҳамда “Адабиёт” номли ҳужжатли фильм намойиш этилди. Китоблар ва расмлар кўргазмаси ташкил қилинди.

Б.МЕЛИКУЛОВА



БЕНАЗИР МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗ

Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида “Она тили миллатнинг руҳидир” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Отамурадов, Алоқа тарихи музейи директори Т.Назаржонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида давлат тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Ўзбек тилининг қўлланилиш доираси кенгайиб, мавқеи юксалмоқда. Олимларимиз томонидан давлат тилини илмий асосда ривожлантиришга қаратилган кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, илмий-оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги лугатлар чоп қилинмоқда.

Она тилимиз компьютер ва интер-

нет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт каби махсус тушунчаларни ташкил қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда. Бу тилимизнинг имкониятлари нисбатан катта эканидан далolat беради.

Ахборот аламуниви шиддатли тус олган бугунги замон кўпгина миллий-маънавий бойликлари қатори давлат тилини ҳам асраб-авайлашни, унинг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада кучайтириб боришни тақозо этмоқда.

Жамиятимизда тил, нутқ маданиятини оширишга қўмаклашиш, адабий тилдан фойдаланиш қоидалари бузилишига йўл қўймаслик, давлат тилининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш борасидаги ишларни давом эттириш Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастури ва

сайловолди платформасида белгиланган муҳим вазифалардан биридир.

Шу боис партия ташкилотлари томонидан таълим даргоҳлари, маҳалаларда, ташкилот ва муассасаларда давлат тилининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, ёшлар онгида тилимиз, миллий раъзларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини янада ошириш, қадриятларимизни асраб-авайлашга қўмаклашишга қаратилган бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда она тилимиз халқнинг беназир маънавий бойлиги экани таъкидланмоқда.

– Ўзбек тилига давлат тили мактаб берилганига 26 йил тўлди. Бу давр мобайнида тилимиз янада сайқал топиб, дунё тиллари орасида ўзига хос нуфузга эга бўлиб бормоқда, – дейди партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши мутахассиси Лайло Мухиддинова. – Бундай тадбирлар ёш авлод вақлиларида она тилимизга бўлган ҳурматини, ундан гурурланиш туйғулари мустаҳкамлашга, тилимизни чуқур ўрганиш ва унинг софлигини сақлашга бўлган масъулиятнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Д.КАРИМОВ,
ЎЗА муҳбири

Шу кунларда шаҳримизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти-га номзодларни саралаш учун танловнинг туман босқичлари бўлиб ўтди.

Миробод туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси томонидан ушбу танловнинг туман босқичи В.Ломоносов номи Москва давлат университетининг Тошкент шаҳар филиалида ўтказилди.

Танловда 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган ўн етти нафар иқтидорли қизлар бешта йўналиш бўйича ўз маҳорат ва салоҳиятларини намойиш қилди.

– Аёлини муқаддас билиш, унга алоҳида эҳтиром кўрсатиш, доно ва зукко қизларни қамолга етказиш, улар орасидаги энг иқтидорли ёшларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги ютуқлари, кенг қўламли ислохотларни жадаллаштиришдаги фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ушбу танлов аъёнавий равишда ўтказиб келинмоқда, – дейди Миробод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Мамаинова биз билан суҳбатда. – Мақсадимиз ушбу танлов орқали қобилиятли қизларимизнинг иқтидорини юзага чиқариш, уларнинг қизқичқиллигини қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириб боришдан иборат. Зеро, бугунги қизларимиз нурафшон эртанимизнинг фаол иштирокчиси, яратувчиси, яшнатувчиси, фариштали,

сариштали уй бекалари ҳисобланади.

Танловда иштирокчи қизлар ўз қобилиятларини намойиш қилиш билан бирга, миллийлигимизни тарғиб қилувчи гўзал либослар галереясини, таъсирли санъат кўргазмасини ҳам ташкил этдилар.

Тадбир сўнггида иштирокчилар Миробод туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Ҳалиб-деб топилган қизлар танловнинг шаҳар босқичига йўлланиш олдди.

Юнусобод туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Ойла” маркази, Маданият ва спорт ишлари туман бўлимлари ҳамкорлигида ушбу танловнинг туман босқичи Тошкент Молия институтининг мажлислар залида бўлиб ўтди.

– Ушбу танлов қизларимизнинг иқтидорини, салоҳиятини, изланиш ва интилишларини ўзлари қизиққан йўналишда очиб бериш билан ҳам аҳамиятлидир. Аслида танловда иштирок этган қизларимизнинг ҳаммаси ҳам шижоатли, юрагидида ўти бор ёшлардан иборат. Улар орасидан энг қобилиятли деб топилганлари эса, танловнинг шаҳар босқичига йўлланишни қўлга кирита-

Зулфияхоним издошлари

ЗУККО ҚИЗЛАР БЕЛЛАШДИ

1999 йил 10 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Ушбу мукофот ўзининг аъло хулқи, зукколиги, донолиги, ташаббускорлиги, ўқийдиган муваффақиятлари билан алоҳида истеъдодини намойиш қилиб келаётган иқтидорли қизларимизга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ютуқлари учун ҳар йили баҳор фаслида тантанали равишда топширилади.

ди, – дейди ҳайъат раиси Нигора Абдурахимова.

Тадбир якунида иштирокчилар муносиб тақдирланди.

Учтепа туманидаги 28-сонли бодалар мусика ва санъат мактабидида ташкил этилган танлов ҳам ўзига хос тарзда, қизиқарли ўтди.

Иштирокчилар адабиёт, фан, таълим, маданият ва санъат йўналишида ўз маҳоратларини намойиш қилди.

Хар бир қатнашчи танлов шартларини миллий қадриятларимизга амал қилган ҳолда бажаришга ҳаракат қилди. Қизларнинг чиқишлари ҳақлари ҳайъати томонидан баҳолаб борилган экан, уларнинг билим даражаси, қийинчи маданияти, соҳа бўйича истеъдоди ва зукколигига эътибор қаратилди.

Танлов сўнггида иштирокчилар Учтепа туман ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бектемир, Сергели, Шайхонтоҳур, Олмазор ва бошқа туманларда ҳам “Зулфияхоним қизлари” қўрик-танловининг туман босқичлари юксак савияда бўлиб ўтди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: танловдан лавҳа
Козим Улмасов олган сурат

Тадбирлар

КОЛЛЕЖДА ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Тошкент маданият коллежида “Шеърят соғинчи” деб номланган ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “Қамолот” ЕИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент Тўлқин Эшбек қатнашди.

Ушбу учрашувни ўтказишдан асосий мақсад ёшлар ақлида адабиёт, шеърятга, китобга бўлган меҳрини ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аждодларимиздан мерос бўлиб келган кўна ёдгорликларимиз бўлиши санъат дурдоналарини авлодларимизга тўла-тўқис етказиб бериш ва энг асосийси, уларнинг маънавий билимларини оширишдан иборатдир.

Тўлқин Эшбек ўзининг болалиги, ҳаёт йўллари, адабиёт бустонига қай тарзда кириб келганлиги ҳамда жондан азиз бўлган устозлари ҳақида иштирокчилар-

га сўзлаб берди. Ўқувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

– Учрашувдан ўзимга бир олам маънавий озиқ олдим, – дейди Тошкент маданият коллежи ўқувчиси Дилдора Абдусаломова. – Ана шундай ижодий учрашувлар, турли қўрик-танловлар кўпроқ ташкил этилса биз ёшларнинг янада қучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшилади. Ўзим ҳам ўқийдиган бўш вақтларимда шеър ёзиб тураман. Бугунги учрашувда ҳам ўз қаламимга мансуб шеърларимни нафақат тенгдошларимга, қолаверса устозларимга ҳам хавола қилдим. Устоз камчиликларим ҳақида, қай тарзда ижодимни давом эттириш хусусида маслаҳатлар берди. Бу келажакда менга ўз устимда янада кўпроқ меҳнат қилишим учун куч бағишлайди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти ташкилот, корхона ва муассасалар билан ҳамкорликда турли маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиб келмоқда. Бу гал дам олиш маскани ходимлари Тошкент педагогика коллежида педагоглар, ўқувчилар ҳамда Чилонзор тумани ички ишлар бошқармаси, туман прокуратураси вакиллари, Тошкент шаҳар бош имом хатиби ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирокида ёшлар тарбиясига бағишланган яна бир тадбир ўтказдилар.

ГЛОБАЛ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Қишлоб жамиятида кузатилаётган глобал муаммо – одам савдоси ва терроризм балосидан ўсиб келаётган авлодни оғоҳ этиш учун жойларда турли-туман тадбирларни кўпроқ ўтказиш керак. Чунки, коллежда ўтказилган тадбирнинг “Биз одам савдоси ва терроризмга қаршимиз” мавзусига бағишланган давримизнинг ана шу талаби билан боғлиқдир.

– Тадбир кун тартибига қўйилган ҳар ихкала масалага давлат миқёсида муҳим эътибор қаратилмоқда. 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам

савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда эълон қилинган “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мутасадди ташкилотлар олдига энг муҳим вазифаларни қўйди. Таълим даргоҳларидан бири сифатида биз ҳам ушбу вазифани амалга ошириш учун масъулмиз. Коллежда ҳар ихкала мавзу бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилган. Бу гагисини тегишли мутахассислар иштирокида боғ ходимлари би-

лан ҳамкорликда ўтказиш коллеж педагоглари ва ўқувчиларига маъқул келди. 120 нафар биринчи босқич ўқувчиларининг одам савдоси, терроризм оғоҳлари ҳақидаги тушунишлари янада кенгайди, – дейди тадбир ташкилотчиларидан бири Одинахон Холиқова.

Ўзбекистон халқ артисти, фахрий санъаткор Гулсара Ёқубова, боғ қошида ташкил этилган “Улғубек юлдузлари”, “Дурдона” бадиий жамоаларининг қишлобдаги тадбир иштирокчиларига аъло кайфият бағишлади.

Хулқар КУЗМЕТОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ЁШ ОЛИМНИНГ
МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишининг пухта ўйланган стратегияси, аини пайтда илм-фанни ривожлантиришга қаратилган беқиёс ислохотлар самарасидир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасини ислохот этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу дунё бозориди рақобат кучайиб бораётган бугунги шароитда мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Иқтисодиёт тармоқлари томонидан инновацион фаолиятнинг молиявий қўлаб-қувватланаётгани олимларимиз тадқиқот натижаларидан унумли фойдаланишда, пировардида иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги энг муҳим масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтининг “Энергетикада замонавий технологиялар” лабораторияси кичик илмий ходими Бахтиёр Ғозиевнинг илмий изланишлари энергия тежаш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини янада тақомиллаштиришда аини муддоо бўлмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши, аҳоли ижтимоий ҳаётининг ўсиб бориши энергетика ресурсларига бўлган талабни оширмоқда. Бу барча тармоқ ва иншоотларда кўп энергия сарфлайдиган жиҳозларни технологик жиҳатдан замонавий, энергиятежамкор ускуналарга алмаштириш, мавжуд технологияларни оптималлаштиришни тақозо этмоқда.

– Мамлакатимизда энергия истеъмолининг деярли ярми бино-иншоотлар ҳиссасига тўғри келади, – дейди Бахтиёр. – Янги-янги турар жой объектилари қурилмоқда. Уларда энергия истеъмолини аниқ ҳисоб-китоб қилмаслик бир талай муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Биз яратган бино-иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш, баҳолаш ва уларни энергетик паспортиштириш тизимини тақомиллаштиришга қаратилган янги дастур шундай муаммоларни бартараф этиш ва олдин олишга хизмат қилади.

Ушбу дастурда биналарда жисмонан эскирган ускуналарни тежамлисига алмаштириш, жаҳон тажрибасини ўрганган ҳолда шаҳарсозлик ва қурилиш меъёрларига ўзгартириш қилиниш, яъни уларда замон талабларига жавоб берадиган технологик ечимлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришда махсулот учун сарфланаётган шартли ёнилғи миқдорини камайтириш ҳисобига хизматлар ҳажминини ошириш, таннарининг камайтириш, асосий қувватлар ва ёрдамчи ҳўжаликларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш кўзда тутилган.

Дастур миллий қўнунчилик талабларига тўлиқ жавоб бериши билан бирга, халқаро тажриба ютуқларини ҳам ўзида мужассамлаштирган. У иншоотларда истеъмоли қилинаётган энергия миқдори ва унинг маркировкасини юқори даражадаги аниқликда ҳисоблайди. Энергия сарфини камайтириш, замонавий тежамкор технологияларни жорий этиш дастури аҳолига коммунал тўловларни тежаш, мамлакат учун табиий ресурслар, биринчи навбатда табиий газнинг иқтисод қилиш имконини беради. Шу билан бирга, экология, хусусан, атмосферада иссиқлик газлари чиқаришларини камайтириш, атроф-муҳит ўзгаришининг салбий оқибатларини юмшатиш, энергетика компаниялари учун ёқилғига кетадиган сарф-харажатларни қисқартириш ва истеъмоличилар эҳтиёжини янада самарали қаноатлантиришга ҳисса қўшади.

Бугунги кунда ёш олим “Ўзбекистон саноати ва уй-жой коммунал секторларида энергия самарадорлигини ошириш мақсадида намунавий энергоаудит дастурларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш”, “Уй-жой коммунал ҳўжалиги ва ижтимоий йўналиш объектлари электрон энергетик паспортини миллий меъёрий-ҳўқуқий база асосида ишлаб чиқиш” каби бир қатор давлат дастурларида фаол иштирок этмоқда. Унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонднинг “Ўзбекистонда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган биналарнинг энергия самарадорлигини ошириш”, “Миллий иқтисодиётнинг паст-углеродли ривожланишга ўтишида Ўзбекистонга қўмаклашиш” лойиҳаларидаги муваффақиятли қатнашиши ёш олим илмий изланишларининг истиқболдан далолатидир.

Ўзбекистон ва Норвегия томонидан амалга оширилган биналарнинг энергетик самарадорлиги соҳасидаги ҳамкорлик дастурида малака ошириб, “Энергоаудитор” ва “Энергоаудиторларни тайёрловчи халқаро тренер” халқаро сертификатлари соҳиби бўлган Бахтиёр Ғозиевнинг ўнлаб илмий мақолалари мамлакатимиз ва чет элларда нашр этилган. Турт илмий изланиши Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган. У юртимиз ҳамда халқаро миқёсда ташкил этилаётган илмий анжуманларда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, Республика Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси, ёш олимлар илмий-амалий конференцияларида мунтазам ўз ишланмалари ва маърузалари билан қатнашмоқда. “Йилнинг энг фаол ёш олим” номинацияси ғолиби бўлган тадқиқотчи “Ёш мутахассислар” III республика форумида махсус грант билан тақдирланди.

ЎЗАФ ёш олимлар кенгашининг фаол аъзоси Б.Ғозиев ташаббуси билан Энергетика ва автоматика институтида ёшларнинг “Энергетикада янги технологиялар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги семинар-танловни мунтазам ташкил этилмоқда. Бу ёш олимларнинг ўз қобилиятини намойиш этишига имконият яратмоқда.

(ЎЗА)

Болалар спорти

МАҚСАД САРИ ОЛФА
ИНТИЛИБ

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизнинг соғлом ва ҳар жиҳатдан комил бўлиб улғайишлари учун етарлича шарт-шароитлар яратилган. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз юртимиз шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилмоқда.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Учтепа академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси Барно Абдуллаева ана шундай иқтидорли ёшлардан биридир. У лицейда аъло баҳоларга ўқиши билан бир қаторда спортнинг таъқвон-до ИТФ тури билан шуғулланади, рус ва инглиз тилларида бемалол сўзлаша олади.

Спортга қизиқишимга ота-онам сабабчи бўлишган, — дейди Б. Абдуллаева. — Дадам мактабимиз қошида очилган таъқвон-до тўғарагаги ўзлари олиб борганлар. Ушанда илк бор вилоят очик чемпионатида қатнашиб, иккинчи ўринни эгаллаганман.

Барно Абдуллаева спорт билан шуғуллана бошлаган вақтларида нимжонгина қиз эди. Тинимсиз машқлар ва мусобақалардаги иштирок унга куч, ғайрат, шижоат

бахш этди. Натижада кўплаб ютуқларга эришди.

— Кўлга киритган медалларим, дипломларим ўз устимда кўпроқ ишлашимга туртки беради, — дейди Барно. — Юртбошимиз айниқса болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб, биз ёшларга шундай шарт-шароитлар яратиб бераётганлиги, бундан албатта оқилона фойдаланишимиз, ўз устимизда тинимсиз ишлаб, ғалабалар қозонишимиз, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлишимиз керак.

Албатта, у эришган ютуқларда нафақат ўзининг меҳнати, балки мураббийнинг ҳам катта ҳиссаси бор. Устоз ва шогирдининг ҳамжиҳатлиги албатта, қўлланган натижани берапти.

— Барно Абдуллаева тиришқоқлиги, одоби, ўзига хос иқтидори билан бошқалардан ажралиб туради, —



дейди мураббий И. Асомов. — Мусобақаларда юқори ўринларни кўлга киритаяпти, ўз устида эринмай иш олиб боради.

Барно Абдуллаева яқинда таъқвон-до ИТФ бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 69 килограмм вазнда фахрли иккинчи ўринни кўлга киритди. Айни дамда у Россиянинг Сочи шаҳрида ўтказиладиган халқаро мусобақада қатнашиш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Барнонинг мақсади ушбу нуфузли мусобақада ҳам ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини янада баланд кўтариш, юртимиз шаънини жаҳонга танитиш. Биз Барнонинг эзгу орзуларига етишишида омад тилаб қоламиз.

Зокиржон ҚЎЗИБОВ

Спорт янгиликлари

ДЕНИС ИСТОМИН НУФУЗЛИ
ТУРНИР ҒОЛИБИ

Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида Профессионал теннисчилар уюшмаси – АТР туркумига кирувчи “Tashkent Challenger – 2015” халқаро турнири якунланди. Унда йигирмага яқин давлатдан 50 нафардан зиёд теннисчилар яқкалик ва жуфтлик баҳсларида ўзаро куч синашди.

Бугунги кунда мамлакатимизда теннис бўйича йигирмага яқин халқаро турнир ўтказилмоқда. Улар орасида хотин-қизлар ўртасидаги “Tashkent open” ҳамда эркеклар ўртасидаги “ATP – Tashkent challenger” турнирлари алоҳида эътирофга лойиқ. Ушбу мусобақалар ёш истеъдод соҳибларнинг маҳоратини янада ошириб, уларнинг профессионал теннисда ўз ўрини топишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Турнирнинг яқкалик баҳсларида биринчи рақамли теннисчимиз Денис Исто-

мин дастлаб Беларус вакили Владимир Игнатикни 7:6, 6:4, кейинги даврада германиялик Максимилиан Мартерерни 3:6, 6:3, 7:6, чорак финалда россиялик Евгений Донскойни 5:7, 6:3, 6:2, ярим финалда эса хиндистонлик Юки Бамбинини 4:6, 6:3, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди.

Мусобақа финалида маҳоратли теннисчилар Денис Истомин ва Лукаш Лацко ўртасидаги ўйин айниқса, шиддатли кечди. Мазкур учрашувнинг биринчи сетадаёқ Денис Истоминнинг кучли тўп узатмалари

кортада ким устун эканлигини кўрсатиб берди. Илк сетнинг олтига геймини ўз фойдасига ҳал қилган теннисчимиз рақибига бор-йўғи уч геймини бой берди. Иккинчи сетда эса рақибига янада тезкор ўйин таклиф этган Денис 6:4 ҳисобида зафар қўчди ва халқаро турнир бош совринига сазовор бўлди. Денис Истоминга ушбу ғалаба 125 рейтинг очкосини келтирди.

— “Tashkent Challenger – 2015” мусобақаси мен учун жуда омадли ўтди, — дейди мусобақа ғолиби Д.Истомин. — Шуни айтиш кераки, рақибим Лукаш Лацко билан шу кунга қадар етти марта учрашганимиз. Мен мазкур тўқнашувларнинг бештасида зафар қўчган эдим. Бугунги ғалабам олтинчиси бўлди.

Мусобақанинг жуфтлик баҳсларида россиялик Михаил Елгин ва белоруслик Сергей Бетов ғолиб чиқди.

ҲАМЮРТИМИЗ
КУЧЛИЛАР ОРАСИДА

Германия пойтахти Берлин шаҳрида “FIDE World Blitz Championship 2015” халқаро шахмат мусобақаси ўз якунига етди.

Тезкор шахмат бўйича ташкил этилган ушбу йилги турнирда ҳамюртимиз Рустам Қосимов 187 нафар иштирокчи орасида дунёнинг энг сара гроссмейстерлари қаторидан жой эгаллади. Бундан аввал Боку шаҳридаги мусобақада бир оз омади юришмаган шахматчимиз

бу гал 13,5 балл жамғариб кучли ўнтаклик таркибига кирди.

Мусобақа давомида Александр Гришук ҳамда Франция вакили – Максим Вашие Лагров чемпионликка эришиш борасида ўзаро жиддий рақобатлашган бўлса-да, якунда ғолиблик тажрибали рус спортчиси

насиб қилди. Шарафли учинчи ўринга 15 очко тўплаган яна бир россиялик шахмат устаси Владимир Крамник лойиқ қўрилди.

Эътиборлиси, турнир ғолибига айланган россиялик Александр Гришук айнан Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстердан мағлубиятга учради.

ЖАҲОНОЙ –
ЧЕМПИОНАТДА ТЕНГСИЗ

Латвиянинг Рига шаҳрида самбо бўйича ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Эътиборлиси, ушбу мусобақанинг 44 килограммга бўлган вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз Жаҳоний Турманова турнир давомида Европа, Осиё ва Америка қитъасидан ташриф буюрган иқтидорли самбочиларни мағлубиятга учратиб олтин медалга сазовор бўлди.

Жаҳоний мазкур натижаси орқали сам-

бочи ўзбек қизлар орасида ўсмир ёшда жаҳон чемпиони бўлган илк спортчига айланди. Самарқанд вилоятида таваллуд топган 18 ёшли спорт устаси ушбу нуфузли мусобақа ғолиблигидан аввал Осиё ва Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган эди.

Ботир ХҲАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!

2015 йил 23 ноябрда “Тошкент” РФБнинг биржа савдоларига чиқариладиган акция пакетлари рўйхати

№	Эмитент номи	Устав фондидagi улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, донa	1 дoна акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дoна акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (АҚШ долларлари)	Акциялар пакетининг бошланғич нархи (АҚШ долларлари)
1	“Aloqabank” АЖ	47,6	492 805 119	110	8,67	42 726 204,00

Қўшимча маълумотлар учун “MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-71-71, 236-77-92. E-mail: info@ndvakt.uz, www.gkk.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биржа савдоларига таклиф этади!

2015 йил 23 ноябрда “ELIS-SAVDO” акциядорлик жамияти томонидан биржадан ташқари электрон савдоларига қўйидаги жамиятларнинг давлат акция пакетлари қўйилади:

№	Эмитент номи	Устав фондидagi улуш %	Савдога чиқарилаётган акциялар сони, донa	1 дoна акциянинг номинал қиймати, сўм	1 дoна акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи сўмда	Акциялар пакетининг бошланғич нархи сўмда	Савдо ташкилотчиси
1	“Madad” CA АЖ	6,08	182 500	110	844	154 022 382	ELIS-SAVDO АЖ

Қўшимча маълумотлар учун “ELIS-SAVDO” АЖга мурожаат қилишингиз мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 236-21-82, 236-06-31. elsavdo@.m

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16а-уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-22-83. E-mail: ugki@rambler.ru, www.gkktashkent.uz

ДАВР МУАММОСИ

Сергели саноат касб-хуна колледжиди “Қамолот” ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан “Одам савдоси – давр муаммоси” шиори остида тарғибот тадбири ўтказилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёшларнинг келажақда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишига қўмақлашish борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишлар қўламли кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Бугунги кунда одам савдоси инсон, унинг ҳуқуқлари, қадр-қиммати, оқилоллик ҳаёти ва келажақига жиддий таҳдид солаётган долзарб муаммога айланди. Ёшларимиз ушбу жиноят қурбонига айланиб қолмаслиги, уларнинг бандлик даражасини ошириш учун оилаларда тарбиянинг ролини қўлайтириш, йигит-қизларни меҳнатсеварликка ўргатиш, маънавият, таълим муассасаси ва оилаларнинг ҳамкорлигида фаолиятга масъулият билан ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

— Йил давомида ўқувчи-ёшлар орасида мустақиллигимизни эъзозлаш, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва тарбиявий ишларни қўлайтириш мақсадида пойтахтимиздаги барча таълим муассасаларида “Қўлиққа рози бўлманг!”, “Огоҳ бўлинг, одамлар!”, “Сенинг тақдиринг ўз қўлингда” каби мавзуларда тадбирлар ўтказилмоқда, — дейди “Қамолот” ЕИХ Тошкент шаҳар кенгаши бўлим мудир Бекзод Шоназаров. — Бу ёшларни одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан огоҳ этиш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Н.НАСРИЕВ,
ХАА мухбири

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007. йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6325 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масафалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1055

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.00